

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

301 Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил
14 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2122-1*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 21 июндаги 49, 2010-25-сон қарори (рўйхат рақами 2122, 2010 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 240-модда) билан тасдиқланган Утилизация қилинган табиий (машъал) газ бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўми-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

24 (732)-сон

— 127 —

301-302-моддалар

тасининг 2013 йил 4 мартдаги 23, 2013-8-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2439, 2013 йил 22 март) билан тасдиқланган Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобининг «Қазиб олиш ҳажми, т., куб. м.» устунида утилизация қилинган табиий (машъал) газ ҳажми кўрсатилади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 6 июнь,
43-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 6 июнь,
2016-22-сон